



БОБОРАҲИМ МАШРАБ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИ ЎРГАТИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич,
Наманган давлат университети
Ихтисослаштирилган илмий кенгаш
котиби, педагогика фанлари номзоди.
+ 99890-214-77-33
komiljon.abdullayev.1961@mail.ru

***Аннотация:** Мақолада Бобораҳим Машраб таржимаи ҳолини ўргатишда фанлараро интеграция технологияларини йўлга қўйиш воситаси сифатида ахборот коммуникацион воситаларидан фойдаланишнинг ўрни ва самарали усуллари кўп йиллик амалий тажрибалар асосида ёритилган.*

***Калит сўзлар:** Бобораҳим Машраб, таржимаи ҳол, фанлараро интеграция, саёҳат-дарс, тақдимот-дарс, видеодарс, онлайн дарс, онлайн учрашув-дарс, жой номлари, тасвирий санъат, мусиқа, расм-слайд, шарҳ.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ БИОГРАФИИ БОБОРАХИМА МАШРАБА

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич,
Наманганский государственный университет,
Секретарь Специализированного ученого совета,
кандидат педагогических наук.
+ 99890-214-77-33
komiljon.abdullayev.1961@mail.ru

***Аннотация:** В статье описаны роль и эффективные методы использования информационно-коммуникационных средств обучения как способы и методы создания междисциплинарных интеграционных технологий в преподавании биографии Боборахима Машраба, основанные на многолетнем практическом опыте.*

***Ключевые слова:** Боборахим Машраб, биография, междисциплинарная интеграция, урок путешествия, урок презентации, видео урок, онлайн урок, урок онлайн встречи, топонимы, изобразительное искусство, музыка, слайд-шоу, комментарий.*

USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN TEACHING BIOGRAPHY BOBORAHIM MASHRAB

Abdullaev Komiljon Abduganievich,
Namangan State University,
Secretary specialized scientific council,
candidate of pedagogical sciences.
+ 99890-214-77-33
komiljon.abdullayev.1961@mail.ru



Abstract: The article describes the role and effective methods of using information and communication teaching aids as ways and methods of creating interdisciplinary integration technologies in teaching the biography of Boborahim Mashrab, based on many years of practical experience.

Keywords: Boborahim Mashrab, biography, interdisciplinary integration, travel lesson, presentation lesson, video lesson, online lesson, online meeting lesson, toponyms, fine arts, music, slide show, commentary.

Уни ўзи туғиб,
Сўнг ўз кашфидан
Ёқа ушлаб қолмиш - она.
Битта юрак ичра топмишдир маскан
Бир шоҳу
Бир шоир
Ва бир девона.

Ана шундай ҳайратомуз хислатлар эгаси Бобораҳим Машраб замонасининг етук донишманди, кўнгли пок, ҳар томонлама комил инсон, халқнинг юрак дардларини, орзу-умидларини, истак ва интилишларини қуйловчи халқчил шоир, юксак истеъдод эгаси сифатида маълум ва машҳурдир.

Академик лицей ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастури асосида тузилган режада шоир ҳаёти ва ижоди, адабий меросини ўрганиш учун алоҳида дарс соатлари ажратилган бўлиб, уни тўғри тақсимлаш, вақтдан унумли ва ўринли фойдаланиш, дарс шакллари танлаш ўқитувчининг маҳоратига, ижодкорлигига боғлиқдир.

Биз кўп йиллик амалий тажрибаларимиз давомида ёзувчи (шоир), хусусан, Бобораҳим Машраб таржимаи ҳолини ўргатиш жараёнида саёҳат-дарс шаклини ташкил этиш ва шу асосда тўпланган материалларни ахборот коммуникацион технологиялари воситасида оммалаштириш самарали натижалар беришининг гувоҳи бўлдик.

Ушбу дарс шакли ижодкор ҳаёти ва ижодини ўрганишдан бир ҳафта аввал режалаштирилади ва амалга оширилади (ўқувчиларнинг таътил кунлари ва дарсдан бўш вақтлари ҳисобига мўлжалланиши энг мақсадга мувофиқ ечим ҳисобланишини алоҳида таъкидлаймиз). Саёҳат-дарсга мактаб раҳбарияти билан келишилган ҳолда адабиёт, тарих, география, тасвирий санъат, мусиқа, психология фани ўқитувчилари ва гуруҳ раҳбари жалб этилади.

Режага мувофиқ, Бобораҳим Машраб туғилиб ўсган Наманган шаҳрининг диққатга сазовор жойлари: Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, шаҳар марказида жойлашган “Адиблар хиёбони”, Наманган давлат университети, Бобораҳим Машраб боғи ва шоирнинг уй-музеи, Мулла Бозор охунд мақбараси, вилоят ўлкашунослик музейларига ташриф буюрилади. Ҳар бир маданият масканидаги мавзуга мос ва қўшимча материаллар мутахассислар томонидан тушунтирилади, шарҳланади. Ўқувчилар зарур манбаларни дафтарларига қайд этиб борадилар. Савол-жавоб, баҳс-мунозалар ўтказилади. Таассуротлар ўртоқлашилади.

Махсус мутахассис саёҳат-дарс жараёнини тасвирга муҳраб боради. Тўпланган манбалар асосида видеодарс шакли тайёрланади ва оммалаштирилади, махсус интернет



сайтларига жойлаштирилади, видеодарс, тақдимот-дарс, онлайн дарс, онлайн учрашув-дарсларни ташкил этиш имкониятлари яратилади.

Қуйида ана шу саёҳат-дарс жараёнида тўпланган материаллар асосида яратилган “Унутмоқ осонмас сизларни...” мавзусидаги видеодарс намунаси билан таништирамиз. Ушбу дарс қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

1. Бешик - Ватан: Бешикдаги фарзандини аллалаётган она сурати ва унга Султонмурод Олимнинг шарҳи.

2. Бу бешикда улғайганлар:

Баҳовиддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий мажмуалари; Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда жойлашган “Адиблар хиёбони”, Юнусободдаги “Шаҳидлар мазори”; Андижондаги З.М.Бобур номидаги музей ҳақидаги лавҳалар босқичма-босқич жойлаштирилади (Қўшимча материалларни интернетдан қидириб топиб, илова қилиш мумкин. “Бухорий бобом” шеърдан шарҳлаш воситаси сифатида фойдаланилади).

3. “Тул диёр - Наманган” мадҳи.

Ҳар йили ўтказиладиган ва довруғи оламга кетган “Туллар байрами” тадбирларини акс эттирувчи лавҳалар намойиш этилади. Уларга ҳамоҳанг тарзда Ҳусниддин Шариповнинг “Наманган боғида” шеъри ифодали ўқилади, уйғун ҳолда матнга мос муסיқа ижроси ҳам эшиттирилади.

4. Вилоятнинг бунёдкорлик, фан, маданият, санъат, адабиёт соҳасида эришяётган ютуқларини акс эттирувчи расмлар жамланмаси намойиши.

Шарҳлаш воситаси сифатида Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари аудио-видео шакли намойиш этилади:

“... Наманган деганда мен заҳматқаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди бақувват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман”.

5. Вилоят харитаси расми ва унинг шарҳи:

Наманган Фарғона водийсининг энг гўзал, энг хушманзара ва энг сўлим шаҳарларидан бири. Наманган нафақат Фарғона водийси, балки Ўзбекистоннинг дурдона шаҳарларидан бири. У Фарғона водийсининг шимолий қисмида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган.

Унинг умумий ер майдони 101,5 минг кв.метр бўлиб, аҳолиси 2020 йил 1 июль ҳолатига 632,6 минг нафар кишини ташкил этади. Шаҳарда 100 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандидек аҳил ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилмоқдалар.

... “Наманган диёрининг маънавий қиёфасини Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Усмон Носир каби буюк зотлар белгилайди.

Наманган вилоятининг шуҳратини оширишда Ёлқин Тўрақулов, Маҳмуд Салоҳиддинов, Эргаш Отахонов сингари олимлар, Сора Эшонтўраева, Ҳабиба Охунова, Ёқуб Аҳмедов, Камолиддин Раҳимов каби санъаткорлар, Ҳусниддин Шарипов, Ҳабиб Саъдулла каби ижодкорларнинг хизмати беқиёс эканини бутун халқ яхши билади” (И.А.Каримов).

(Ушбу матн ифодали ўқилади, шу жараёнда ҳамюрт ижодкорларимизнинг расмлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ лавҳалар намойиш этиб турилади).

6. Хотира бор экан, тирикдир миллат,

Тирикдир ифтихор, тирикдир ғурур.



- Хотира - элни халқ этгувчи қудрат,
Хотира - эртани ёритувчи нур.
7. Умрлар бўладики, ... мангуликка тирикдир...
8. Киши мангу бўлолмас, бу мангу оти,
Қолар ёдгор ундан бу эзгу оти.
Ўзинг мангу эмас, отинг мангудир,
Отинг қолар бўлса, мангулик шудир.
9. Қисматда нима бор, билолмас киши,
Кўнгилда нима бор, қилолмас киши.
Эзгу ниятларни ўринлатиш-чун,
Дунёга яна бир бор келолса киши.
10. “Наманган адиблари” китоби мундарижаси [1, 278] намоиши.
11. “Наманган адабий гулшани” китоби мундарижаси [2, 467] намоиши.
12. “Барҳаёт сиймолар” (наманганлик адиблар) ҳақидаги маълумотлар тақдими:
- | | |
|---------------------------------------|------------------------------------|
| 1. Бобораҳим Машраб (1640-1711) | 16. Алихон Халилбеков(1927-2013) |
| 2. Нодим Намангоний (1840-1910) | 17. Ўктам Мирзо (1927- 2008) |
| 3. Хилватий (1858-1921) | 18. Турғун Пўлат (1928-1985) |
| 4. Ибрат (1862-1937) | 19. Нуриддин Бобоҳўжев (1930-1999) |
| 5. Муҳаммадшариф Сўфизода (1880-1937) | 20. Ғаффорий (1933-1994) |
| 6. Раззоқ баҳши (1897-1968) | 21. Малик Муродов (1933-2001) |
| 7. Рафиқ Мўмин (1900-1951) | 22. Хусниддин Шарипов (1933-2015) |
| 8. Чустий (1904-1983) | 23. Одилжон Носиров (1933-2002) |
| 9. Парда Турсун (1909-1957) | 24. Маҳмуджон Маъмуров (1934-2005) |
| 10. Усмон Носир (1912-1944) | 25. Жўра Раҳим (1934-1997) |
| 11. Зафар Диёр (1912-1946) | 26. Ҳабиб Саъдулла (1942-2005) |
| 12. Шўхий (1916-1913) | 27. Фарҳод Йўлчиев (1945-2003) |
| 13. Ҳамид Нурий (1924-1976) | 28. Абдулла Жаббор (1950-2015) |
14. Робиддин Исҳоқов (1927-1989)
15. Исматилла Абдуллаев (1927-2005)
13. Барҳаёт адабиётшунослар: Тожибой Ғозибоев (1924-1993), Салоҳиддин Жамолов (1926-2017), Ўғилой Азимова (1927-2002), Алихон Халилбеков (1927-2013), Нуриддин Бобоҳўжаев (1929-1999), Одилжон Носиров (1933-2002), Маҳмуджон Маъмуров (1934-2005), Муҳаммаджон Зиёвиддинов (1938-2013), Абдулхай Мадумаров (1938-2008) (Ўзбек тили ва адабиёти факультети тарихидан “Барҳаёт сиймолар” қисми слайди) расмлари намоиши.
14. Наманган шаҳрида жойлашган “Адиблар хиёбони” расми намоиши.
“Наманган вилояти” альбом-китоби ва Б.Рўзиновнинг “Наманган вилояти маданий мероси”, Ўктам Мирзонинг “Наманганнома” китоби материалларидан фойдаланиш.
15. Наманган, Наманган адиблари ҳақида яратилган асарлар, уларнинг рўйхати расмлари намоиши.
16. Охунжон Мадалиев ижросидаги “Унутмоқ осонмас сизларни...” қўшиғи паст овозда эшиттириб турилади.
17. “Адиблар хиёбони” да қад кўтариб турган Бобораҳим Машраб (марказда) ҳайкали ва наманганлик таниқли адибларимиз бюстлари бирма-бир намоиш этилиб, шарҳланади:



1. Бобораҳим Машраб (1640-1711)
 2. Нодим Намангоний (1840-1910)
 3. Мулла Йўлдош Хилватий (1858-1921)
 4. Исҳоқхон Тўра Ибрат (1862-1937)
 5. Муҳаммадшариф Сўфизода (1880-1937)
 6. Рафиқ Мўмин (1900-1951)
 7. Чустий (1904-1983)
 8. Усмон Носир (1912-1944)
 9. Зафар Диёр (1912-1946)
 10. Хусниддин Шарипов (1933-2015)
 11. Ҳабиб Саъдулла (1942-2005)
18. Бобораҳим Машраб ҳайкали расми намойиши ва шарҳи:

Тилларда дoston шоирим

Ўтмишда ўзбек миллатига мансуб комил, фозил инсонлар қаторида шундай бир шахсни топиш қийинким, бу норасо дунёда унингчалик сочидан то тирноғигача ловуллаб ёнмаган бўлса.

Ўзбек мумтоз адабиётида шундай покдамон шоирни топиш амри маҳолким, кўлида ҳасса, эгнига жанда илиб, ўз Ватанидан “ёхув!...” деб бош олиб кетмаган, жаҳонгашта мусофирлик ранжу уқубатларини чекмаган бўлса.

Ўзбек диёрида бошқа шундай мардни топиб бўлармикан, ўзининг бир гулгун санамга ишқи тушгани, кўнгли суст кетиб, гуноҳ иш қилиб қўйгани важдан... эрлик салоҳиятидан маҳрум этилмаган бўлса.

Ўзбек адабиётида шундай бир масиҳий, оташнафас оқинни учратиш мушкулким, асарлари минг-минглаб жигарсўхта, мунис ва мушфиқ инсонларнинг дил лавҳида абадулабад нақшланиб қолмаган, ҳаёти тилларда дoston бўлмаган бўлса.

Ҳайрат ва нидо, ифтихор ва армон, муҳаббат ва нафрат, мўминлик ва унинг шахсида ҳамда ижодида чирмашиб кетган, бамисоли яхлит бир вужудга айланган эди. Бу сингари мусаффо ва дардчил туйғулар ўзаро кескин зиддиятларга қоришиб кетган эдиким, кўз ўнгимда унинг қиёфасида алланечук девкор, девқомат бир ҳазрати инсон гавдаланади. Ҳамонки муборак, қутлуғ, сирли-табаррук номига “девона” деган сифат тиркалган экан, унинг қалбида ва онг-шуурида, ҳақиқатан ҳам тиниқ инсоний тафаккур билан баробар авлиёю анбиёларга хос зукколик, фаришта ва малоикларга хос нур, девларга хос битмас-туганмас куч-қувват мужассамдек кўринади менга. Девонани “жинни”, “телба” деб англаймиз. Нетонг! Афсуски, “девона” сўзининг ўзагига эътибор қилмаймиз. Дев!... Дев!

Азиз муштарий, топдингиз. Баҳс Мулла Валибобо ўғли Раҳимбобо Машрабнинг ҳаёти ва ижоди хусусида [3, 3].

19. “Машраб” сўзининг ҳар бир ҳарфи эзулик, ёруғлик, нур, рўшнолик рамзи. Мен ўзбек мардумнинг ўзини ҳам айнан Машраб қиёфасида кўраман. Мавлоно Раҳимбобо Машраб ўзбегим каби тақво соҳиби, самандар, қақнус, ринд, дарвеш, ялангтўш, сарпочан, шоҳ, хотам... Ўзбегим сингари “дарднома”, “жароҳатнома”, “ҳасратнома”, “мотамкада” (Н.Комилов)... Сўнгги юз йил давомида Машраб бобо ҳам ўз халқи билан бирга мустамлакачилик зуғумларини бошидан кечирди, машъум атеизм офатига дучор бўлди, шахсга сиғиниш балосига мубтало қилинди. Ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиш таҳликаси остида қолди, “ўзбеклар иши”, “пахта иши”, “боқиманда” деган маломатлар остида унсиз ингради. Азалий қабих босқинчилардан қолган бисотининг катта қисми талон-тарож қилинди.



20. Ва ниҳоят!... Асрлар давомида орзу қилиб келинган муҳташам МУСТАҚИЛЛИК ДИЁРИГА қадам қўйди.

Марҳабо, девонагинам!

Қадамларингга ҳасанот!

Салом, жаноби Истиқлол!

Салом, жаноби Машраб Раҳим бобо! [3, 7].

21. Машраб тахаллуси шарҳлари ифодаланган слайд намоиши:

Машраб - мазҳаб;

Машраб - яши феъл-атвор;

Машраб - гўзал табиатли;

Машраб - гўдақдек покиза, масъум, беайб, бегуноҳ;

Машраб - яхши хислатли;

Машраб - эзгу ўй фикрли;

Машраб - эзгуликка чорловчи, илоҳий муҳаббатни тараннум этувчи;

Машраб - барча мўминларга маънавий баҳра берувчи;

Машраб - миллат ва дин равнақи, эҳтиёжи учун насиба этиб Оллоҳ томонидан фазилат ва кароматлар соҳиби, туғма авлиё қилиб яратилган, элни ислом ахлоқи асосида яхши табиатли, хушхулқ қилиб тарбиялашга, чанқоқ қалбларга ўзининг феъл-атвори, хулқи, хусусияти, яратилган асарлари билан наф етказувчи ва ниҳоят, Оллоҳ ишқи кўйида хонумонидан, дунё орзу-ҳавасларидан, ўзлигидан, борингки, бу фоний дунёда Оллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан мосуво мард ва фидойи ошиқи девона [3, 12-13].

22. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг тўлиқ баёни (“Адиблар хиёбони”, Наманган давлат университети, Бобораҳим Машраб боғи ва шоирнинг уй-музейи, Мулла Бозор охунд мақбараси, вилоят ўлкашунослик музейи материаллари, дарслик [4, 200] ва қўшимча манбалар асосида).

23. Бобораҳим Машраб қадамжолари - унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ жой номлари расми, шарҳи ва намоиши: Қашқар, Ийла (Или, Ило, ёки Ила), Хўтан, Ёрқент (қадимий номи Сакараўл, хитойча Шаче), Балх, Хўжанд, Макка, Қободиён (Қуводиён) , Ишкентмиш - Қундуз, Ҳиндистон (ҳиндча Бҳарат), Афғонистон, Шероз, Сурия, Шом , Рум, Судан, Яман, Гулжа (Қулжа).

24. Шоир лирикасининг тематик ранг-баранглиги ва мазмунини ифодалаш учун ҳам хизмат қиладиган расмлар намоиши ва шарҳлаш учун ҳаволалар [5, 127]:

На малакмен, на фаришта, мен ҳам инсон наслидин,

Мен таваллуди ўшал фарзанди Намонгониман.

(1-расм).

Халойиқларки айтурлар: “Бу дардингга даво йўқму?”,

Ўзидин ўзга, эй дўстлар, менга ҳеч бир даъво бўлмас.

(2-расм).

Мени оламда Мажнуни дарбадар қилдию кетти,

Бошимга солди савдони - қаландар қилдию кетти.

(3-расм).

Санамнинг шавқида тинмай юруб оввора Машрабман,

Кўзи ёшлиғ, қади хамлиғ, дили садпора Машрабман.

(4-расм).



Гар ёр жамолини кўриб пардага солсам,
Нағмаси они сийнахорош этгучи танбур.

(5-расм).

Намангандин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида юрсам, мени йўқлар кишим борму?

(6-расм)

Ул қиёмат даштида ҳар ким юрур дардида,
Дод этарман ул замон арзимни кўрган бормукин?

(7-расм)

Фақр излаган эл давлати шоҳонани кўрди,
Тарк этти бу оламники, жонани кўрди.

(8-расм).

25. Шоир ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар (“Ўртар”, “Наманган шаҳридан кетар бўлсам” каби) тингланади.

26. Бобораҳим Машраб издошлари - ҳозирги Наманган адабий муҳити вакиллари рўйхати ва расмлари намойиш этилади (“Ижод гулшани”, “Наманган наволари”, “Наманганнома”, “Ўзбек адиблари”, “Наманган адабий муҳити”, “Наманган адабий гулшани”, “Наманган адиблари” китоби материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ; НамДУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети тарихидан “Фахрий устозлар”, “Факультет устозлари” қисми слайдини кўшиш мазмунни янада бойитади):

- | | |
|-------------------------------|------------------------------|
| 1. Санобар Ҳасанова (1934) | 14. Темурбек Тўрабоев (1954) |
| 2. Ҳомиджон Ҳамидов (1935) | 15. Зиёвиддин ансуров (1954) |
| 3. Эрмамаат Нурматов (1937) | 16. Содик Сайхун (1954) |
| 4. Абдуғани Абдувалиев (1942) | 17. Боқий Мирзо (1954) |
| 5. Оташ Холмирзаев (1940) | 18. Исоқжон Нишонов (1954) |
| 6. Дадахон Нурий (1943) | 19. Маҳмуджон Парпиев (1958) |
| 7. Аҳмад Убайдуллоҳ (1945) | 20. Носир Аббос (1963) |
| 8. Ёқубжон Аҳмаджонов (1946) | 21. Жамолиддин Муслим (1965) |
| 9. Абдулла Жалил (1948) | 22. Дилором Эргашева (1967) |
| 10. Аҳмад Турсун (1949) | 23. Аъзам Обид (1974) |
| 11. Лутфилла Маҳмуд (1949) | 24. Носиржон Жўраев (1984) |
| 12. Рустамжон Умматов (1952) | 25. Бекзод Фазлиддин (1983) |
| 13. Тоҳир Қаҳҳор (1953) | 26. Меҳриноз Аббосова (1995) |

“Филология факультети устозлари” слайдлар тўплами намойиши.

27. Шоир номининг абадийлаштирилиши билан боғлиқ маълумотлар, расмлар, видеолар намойиши:

- Наманган шаҳрининг марказида, вилоятнинг отахон билим маскани- Наманган давлат университети қаршисида ташкил этилган “Адиблар хиёбони” дан ўрин олган Бобораҳим Машрабнинг кўркем ҳайкали “Наманган адабий муҳити” нинг асосчиси сифатида қад ростлаб турганлиги;
- Бобораҳим Машраб номидаги боғ ва шоирнинг уй-музеи;
- Ўлкашунослик музейида сақланаётган материаллар;
- Мулла Бозор охунд мақбараси;



- Наманган шаҳридаги энг кўркем кинотеатр, кўча, мактаб, маданият масканлари Машраб номи билан аталиши;
- НамДУ ахборот-ресурс марказида Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш хонаси ташкил этилганлиги;
- “Бобораҳим Машраб юрган йўллاردан” илмий экспедициясини ташкил этиш ҳақида изланишлар олиб борилаётганлиги.

Бобораҳим Машраб таржимаи ҳолини белгиланган тавсиялар асосида ўргатиш дарсинг сифат ва самарадорлигини оширишга, ўқувчилар адабиёт ва санъатнинг сеҳрли қудратини чуқур ҳис этишларига, мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларининг ривожланишига, “Минг маънини бир нуқта билан мухтасар” эта олган сўз санъаткорига, ўзида “бир шоҳу, бир шоир ва бир девона” ликни мужассамлантирган комил инсон шахсига ҳурмат, муҳаббат, ифтихор туйғуларини тарбиялашга; уларда ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга муҳаббат, бурчга садоқат ҳисларининг камол топишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2007. - 278 б.
2. Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. Наманган, 2007. - 467 б.
3. Машраб. Девон. - Т.: “Шарқ”, 2019. - 464 б.
4. Адабиёт [Матн] 11-синф: дарслик-мажмуа / Б.Тўхлиев [ва бошқ.] , - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. - 200б.
5. Машраб. Машраб шеърятидан (Тузувчи: А.Абдуғафуров; Редкол.: Ҳ.С.Сулаймонов ва бошқ. - Тошкент, 1979. - 127б.
6. Машраб, Бобораҳим. Меҳрибоним, қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар... (Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи Ж.Юсупов). Т.: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. - 416 б.
7. Бобораҳим Машраб. Тузувчилар: Ж.Раҳимов, А.Аҳмедов. Т.: “Ўқитувчи”, 1991.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. - 704 б.
9. Охунов Э. Оташнафас шоир. Кўргазма - буклет. Наманган, 2005.
10. Меҳрибоним сен ўзинг. Шеърлар, мақолалар ва ривоятлар / Тузувчи: Э.Охунов. Наманган, 2006. - 56б.

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бабаджанов Ахмаджан Худойбердиевич,

Жумабоев Наби Пардабоевич

Гулистон давлат университети ўқитувчилари

nabi_jnp@mail.ru +998996421785

***Аннотация:** мақолада портрет жанрининг тарихи, ривожланиш дарвлари, тасвирий санъатдаги ўрни ҳақида сўз юритилган. Портрет санъати инсоннинг ташқи кўринишини ифода этиш билан бирга, унинг қиёфаси орқали маънавий қизиқишлари, дунёқарашини кўрсатиб бериши айтиб ўтилган. Портрет жанрида ижод қилган устоз рассомлар, уларнинг*